САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРДИЕВ ҲАЛИМ ҲАМРОЕВИЧ

ИНТЕГРО-ДИФФЕРЕНЦИАЛ МАКСВЕЛЛ ТЕНГЛАМАЛАР СИСТЕМАСИ УЧУН ТЕСКАРИ МАСАЛАЛАР

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика

физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Бухоро – 2022

УДК: 517.958

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРДИЕВ ҲАЛИМ ҲАМРОЕВИЧ

ИНТЕГРО-ДИФФЕРЕНЦИАЛ МАКСВЕЛЛ ТЕНГЛАМАЛАР СИСТЕМАСИ УЧУН ТЕСКАРИ МАСАЛАЛАР

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика
(физика-математика фанлари)

физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Бухоро – 2022

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/FM533 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университети ва ЎзР ФА В.И.Романовский номидаги Математика институти Бухоро бўлинмасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://ik-fizmat.nuu.uz/) ва «Ziyonet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Дурдиев Дурдимурод Қаландарович** физика–математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Ишанкулов Толиб** физика–математика фанлари доктори, профессор
	Рузиев Менглибай Холтожибаевич физика–математика фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**Урганч давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.FM.02.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «30» 09 соат 10^{00} даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 231–06–32, факс: (+99866) 235–19–38, e–mail: patent@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (№82 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 231–06–32, факс: (+99866) 235–19–38.)

Диссертация автореферати 2022 йил « 7 » 09 куни тарқатилди.

(2022 йил « 7 » 09 даги 2 рақамли реестр баённомаси).

А.С. Солеев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, физика-математика фанлари доктори, профессор

А.М. Халхўжаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, физика-математика фанлари доктори

А.Б. Хасанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, физика-математика фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган аксарият илмий ва амалий тадқиқотлар, изланишлар хусусий ҳосилали интегро-дифференциал тенгламалар, улар учун қўйилган тўғри ва тескари масалаларни ечиш усулларини ўрганишга олиб келинади. Бугунги кунда хусусий ҳосилали интегро-дифференциал тенгламалар учун тескари масалалар геология, электродинамика, тўлқин тарқалиш жараёнлари, геофизика ва бошқа кўплаб соҳалардаги тадқиқотларнинг энг кўп ўрганилаётган асосий масаласи ҳисобланади. Тўғри масала ечими ҳақида қўшимча маълумотга асосланиб, тўғри масала ечимини, интегро-дифференциал тенглама ядросини аниқлаш ва уларни сонли ечиш масаласига доир тадқиқотларни олиб бориш бугунги кунда математик физиканинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида математик физиканинг энг тез ривожланаётган соҳаси-тескари масалаларни тадқиқ қилиш усулларига оид тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу соҳа физика ва техник фанлардаги энг муҳим йўналишлардан бири электродинамикада математик нуқтаи назардан, муҳитнинг хотирасини ҳисобга олиш қаралаётган электромагнит тўлқинлар тарқалиш назариясининг математик моделига жараённинг олдинги ҳолатини ифодаловчи ўрама кўринишдаги интеграл ҳадни киритишга олиб келинилади. Шундай қилиб, хотирали электромагнит майдонларда интегро-дифференциал тенгламалари учун қўйилган тўғри ва тескари масалаларнинг корректлигини ўрганиш зарурати туғилди. Айнан шу типдаги долзарб илмий тадқиқотлар ушбу диссертация ишида қаралади.

Республикамизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий тадбиқига эга бўлган интегро-дифференциал тенгламалар ва математик физиканинг долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилди. Жумладан, охирги йилларда электромагнит тўлқинларнинг хотирали муҳитларда тарқалиши жараёнларини ифодаловчи интегро-дифференциал тенгламалар учун бошланғич-чегаравий масалаларни тадқиқ этиш, улар учун тескари масалаларни ечиш орқали амалий муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди. Электромагнит тўлқинларнинг хотирали муҳитларда тарқалиши интегро-дифференциал тенгламалари учун тескари масалалар ечимининг мавжудлиги, ягоналигини исботлашга ва муҳитнинг хотира функциясини аниқлашга оид салмоқли натижаларга эришилди. Дифференциал тенгламалар, математик физика ва функционал анализ фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди[1]. Бу борада математик физиканинг интегро-

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги 292-сонли қарори.

дифференциал тенгламалар учун тескари масалалар назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947 “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантриш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” Фармони, 2017 йил 17 февралдаги № ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 27 апрелдаги № ПҚ-3682 “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Математик физиканинг тескари масалалари назариясини ривожлантиришга А.С. Алексеев, А.В. Баев, А.Л. Бухгейм, А.В. Гончарский, В.В. Васин, С.И. Кабанихин, М.Г. Крейн, М.М. Лаврентьев, А.И. Прилепко, В.Г. Романов, А.Н. Тихонов, В.Г. Яхно ва бошқа олимлар ўз ҳиссаларини қўшганлар. Гиперболик тенгламалар ва системалар учун дастлабки динамик тескари масалалар А.С. Алексеев, М.М. Лаврентьев, В.Г. Романов, А.С. Благовещенский томонидан таърифланган ва тадқиқ қилинган. Гиперболик типдаги тенгламалар ва системалар учун динамик тескари масалалар тизимли тарзда М.М. Лаврентьев, В.Г. Романов, С.П. Шишатский, А.Л. Бухгейм, Л.П. Нижник, С.И. Кабанихин ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Электромагнит тўлқинларнинг тарқалиш назарияси, эластиклик назарияси, магнитотеллурик зондлашнинг тескари масалалари бевосита амалиёт заруратидан келиб чиққан. Электромагнит тўлқинлар тарқалиш назариясининг тўғри ва тескари масалалари В.Г. Романов, С.П. Белинский, Т.П. Пухначева ва бошқалар томонидан ўрганилган. Уларнинг ишларида муҳитнинг диэлектрик ва магнит ўтказувчанлигини аниқлаш, шунингдек, муҳитнинг электр ўтказувчанлигини топиш масалалари ўрганилган.

Тез ўзгарувчан электромагнит майдонларда, зарраларнинг электромагнит қутбланишини аниқлаш учун характерли частоталар билан солиштирганда кичиклик шарти билан чегараланмаган частоталарда индукцияларнинг мос майдонлар кучланганлиги қийматларига бир қийматли боғлиқлиги бузилади. Бундай жараёнларнинг математик моделларига Максвелл тенгламалари системаси учун муҳит хотирасини ифодаловчи матрица ядроли ўрама типидаги интеграл ҳадлар қўшилади. Ушбу ядроларни аниқлаш тескари масалаларнинг янги турини келтириб чиқаради. В.Г. Романов, Д.К. Дурдиевлар томонидан электр майдон кучланганлиги векторининг битта компоненти учун ёзилган иккинчи тартибли гиперболик интегро-дифференциал тенгламалардан ядроларни топишнинг тескари масалалари ўрганилган. Бундай ҳолларда маълум ва аниқланиши лозим бўлган функциялар жараён кечаётган соҳанинг геометриясига қаттиқ талаблар қўйилишига олиб келади. Ушбу тадқиқот ишида Максвелл интегро-дифференциал тенгламаларнинг дастлабки система ҳолига тўғри ва тескари масалалар қўйилган ҳамда ўрганилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университетининг М-02.2018 “Математик физиканинг тескари масалалари” (2020-2022 йй.) мавзусидаги илмий-тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади икки ва уч ўлчамли интегро-дифференциал Максвелл тенгламалар системасидан интеграл ҳадлар ядроларини аниқлаш учун тўғри ва тескари масалаларни ечиш усулларини қуриш, шунингдек ечимларнинг ягоналиги ва мавжудлигини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- хотирага эга биринчи тартибли гиперболик системадан диагонал матрица кўринишдаги ядрони аниқлаш масаласининг ягона ечими мавжудлиги ҳақидаги локал теоремани исбот қилиш;
- ўрама типидаги интеграл ҳадга эга бўлган биринчи тартибли гиперболик интегро-дифференциал тенгламалар системаси учун қўйилган бошланғич-чегаравий масаланинг бир қийматли ечилишини исбот қилиш;
- икки ўлчамли Максвелл интегро-дифференциал тенгламалари системаси учун ядроларни аниқлаш масаласини қўйиш ва тадқиқ этиш;
- экспоненциал вазнли функциялар синфида уч ўлчамли Максвелл интегро-дифференциал тенгламалар системасидан хотира функциясини аниқлаш масалаларининг ягона ечими мавжудлиги ҳақида глобал теоремани исбот қилиш.

Тадқиқотнинг объекти биринчи тартибли гиперболик типдаги интегро-дифференциал тенгламалар системаси учун тўғри ва тескари масалалардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети биринчи тартибли гиперболик интегро-дифференциал тенгламалар системалари ва Максвелл интегро-дифференциал тенгламалари учун тўғри ва тескари масалалардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида функционал анализ, хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар ва интеграл тенгламалар назарияси усулларидан фойдаланилган. Тўғри ва тескари масалаларнинг бир қийматли ечилувчанлигини кўрсатиш учун масалалар Вольтерра типидаги иккинчи тур чизиқли бўлмаган ёпиқ интеграл тенгламалар системасига олиб келиниб, сўнгра уларга кетма-кет яқинлашиш усули, сиқилувчан акслантиришлар принципи қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- хотирага эга биринчи тартибли гиперболик системадан диагонал матрица кўринишдаги ядрони аниқлаш масаласининг ечими мавжудлиги ва ягоналиги ҳақида локал теорема сиқиб акслантириш принципига асосан исбот қилинган;

- ўрама типидаги интеграл ҳадга эга бўлган биринчи тартибли гиперболик интегро-дифференциал тенгламалар системаси учун қўйилган бошланғич-чегаравий масаланинг бир қийматли ечилиши ҳақидаги теорема исбот қилинган;

- икки ўлчамли Максвелл интегро-дифференциал тенгламалари системаси нормал кўринишга келтирилган, нормал кўринишдаги икки ўлчамли Максвелл интегро-дифференциал тенгламалари системаси учун ядроларни аниқлашнинг тескари масаласи қўйилган ва тескари масала ечими мавжудлиги ва ягоналиги экспоненциал вазнли функциялар синфида исбот қилинган;

- уч ўлчамли Максвелл интегро-дифференциал тенгламалари системаси нормал кўринишга келтирилган, нормал кўринишдаги Максвелл интегро-дифференциал тенгламалари системасидан хотирани аниқлаш масалаларининг ягона ечими мавжудлиги ҳақида глобал теорема экспоненциал вазнли функциялар синфида сиқиб акслантириш принципига асосан исбот қилинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Иш назарий характерга эга, лекин мавжуд илмий тажрибага оид натижаларга асосланади. Тадқиқот натижаларидан сейсмологияда, нефт ва газ конларини ўзлаштиришда ҳамда юқори босқич бакалавриат ва магистратура талабалари учун математик физика фанидан махсус курсларни ўқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Математик анализ, функционал анализ, дифференциал тенгламалар, хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар, интеграл тенгламалар ва тескари масалалар назарияси усулларидан фойдаланилганлиги ҳамда математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти математик физиканинг интегро-дифференциал тенгламалари учун тескари масалалар назариясини янада ривожлантириши, бир ўлчамли ядрони аниқлаш усуллари қурилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сейсмологияда, нефт ва газ конларини қидиришда, иссиқлик ўтказувчи хотирали муҳитларда иссиқлик тарқалиш жараёнларини текширишда тадбиқ этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Интегро-дифференциал Максвелл тенгламалар системаларидан ядроларни аниқлаш масалаларига оид олинган натижалар асосида:

интегро-дифференциал Максвелл тенгламалари системаси учун тескари масалаларни ечилиш усулларидан ОТ-Ф4-01 рақамли «Қовушқоқ суюқлик оқувчи кўп қатламли композит қувурлар эгри чизиқли бўлакларининг ҳарорат ва динамик юкланишлар таъсирида чизиқли бўлмаган динамик кучланиш-деформация ҳолатини ўрганиш усулларини ишлаб чиқиш ва назариясини ривожлантириш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент кимё-технология институтининг 2022 йил 30 майдаги № 7-01-1371 рақамли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ядрони аниқлаш масаласи ечимининг мавжудлиги ва ягоналигини исботлаш имконини берган;

интегро-дифференциал Максвелл тенгламалар системаси ядроларини аниқлаш масалалари АААА-А19-119032590069-3 рақамли «Геофизика ва муҳандислик масалаларида туташ механика ва иссиқлик-масса алмашинуви масалаларини математик моделлаштириш ва сонли ечиш» номли хорижий лойиҳасида фойдаланилган (Россия Фанлар Академиясининг Владикавказ илмий маркази Федерал давлат илмий муассасаси Федерал илмий маркази филиали Жанубий математика институтининг 2022 йил 26 майдаги № 77 рақамли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши анизотроп муҳитлар учун интегро-дифференциал Максвелл тенгламалари системасидаги бир ўлчовли тескари масала ечимининг мавжудлиги ва ягоналигини локал ва глобал аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика, жами 7 та илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 2 таси Scopus рўйхатига киритилган халқаро илмий журналларда, 3 таси Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертацияларини ҳимоя қилишда тавсия этилган миллий журналларда чоп қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий ва маҳаллий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Хотирага эга биринчи тартибли гиперболик тенгламалар системаси учун тескари масалалар”** деб аталади. Бу бобнинг биринчи параграфида диссертация натижаларини исботлашда фойдаланилган асосий тушунчалар, теоремалар келтирилган. Иккинчи параграфда хотирага эга биринчи тартибли гиперболик тенгламалар система учун тўғри ва тескари масалалар ўрганилган.

$D=\{(x,t): 0<x<H,\ t>0\}$ соҳада $u(x,t)$ функцияга нисбатан n та тенгламадан иборат қуйидаги системани қарайлик:

$$\frac{\partial u}{\partial t}+A\frac{\partial u}{\partial x}+B(x)u(x,t)=\int_0^t K(\tau)u(x,t-\tau)d\tau+f(x,t), \qquad (1)$$

бу ерда $u(x,t)-\ u_1, u_2, \dots, u_n$ компонентали номаълум вектор функция, $A,\ B$ ва $K-\ n\times n$ ўлчамли квадрат матрицалар ва бунда

$$A=diag(\lambda_1,\lambda_2,\dots,\lambda_n), K(t)=diag\big(K_1(t),K_2(t),\dots,K_n(t)\big),$$
$$B(x)=\big(b_{ij}\big)_{i,j=1}^{n}(x),$$

λ_i- ҳақиқий, турли ўзгармас сонлар бўлиб, қуйидаги шартларни қаноатлантиради:

$$\lambda_i>0,\ i=\overline{1,s};\ \ \lambda_i<0,\ \ i=\overline{s+1,n};\ 0\le s\le n,$$

$f(x,t)=\big(f_1(x,t),f_2(x,t),\dots,f_n(x,t)\big)$ $-$берилган вектор функция.

Тўғри масалада A, $B(x)$, $K(t)$ матрицалар ва $f(x,t)$ вектор функция берилганда D соҳада (1) тенгламалар системасини қаноатлантирувчи $u(x,t)$ вектор функцияни қуйидаги бошланғич ва чегаравий шартлар асосида аниқлаш талаб қилинади:

$$u(x,0)=\varphi(x),\ 0\le x\le H, \qquad (2)$$
$$u_i(0,t)=g_i(t),\ i=\overline{1,s},\quad u_i(H,t)=g_i(t),\ i=\overline{s+1,n}. \qquad (3)$$

бунда $\varphi(x)$ ва $g_i(t),\ i=\overline{1,n}-$ берилган функциялар.

Тескари масала тўғри масала (1)–(3) ечими ҳақида

$$u_i(0,t)=h_i(t),\ i=\overline{s+1,n},\qquad u_i(H,t)=h_i(t),\ i=\overline{1,s} \qquad (4)$$

қўшимча шартлар асосида $K(t),\ t>0$ матрица функциясини аниқлашдан иборат, бу ерда $h_i(t)\,, i=\overline{1,n}-$ берилган функциялар.

Қуйидаги келишувчанлик шартларининг бажарилишини талаб қиламиз:

$$\varphi_i(0)=g_i(0),\quad i=\overline{1,s};\quad \varphi_i(H)=g_i(0),\quad i=\overline{s+1,n}. \qquad (5)$$

$v(x,t)=\frac{\partial}{\partial t}u(x,t)$ вектор функцияни киритамиз. Натижада $v(x,t)$ га нисбатан қуйидаги масалани ҳосил қиламиз:

$$\left(E\frac{\partial}{\partial t}+A\frac{\partial}{\partial x}+B(x)\right)v=K(t)\varphi(x)+\int_0^t K\,(\tau)v(x,t-\tau)d\tau+\frac{\partial}{\partial t}f(x,t),\quad (6)$$

$$v(x,0)=f(x,0)-A\frac{d}{dx}\varphi(x)-B(x)\varphi(x)=:\Phi(x),\ 0\le x\le H,\qquad (7)$$

$$v_i(0,t)=\frac{d}{dt}g_i(t),\ i=\overline{1,s};\ \ v_i(H,t)=\frac{d}{dt}g_i(t),\ i=\overline{s+1,n},\qquad (8)$$

$$v_i(0,t)=\frac{d}{dt}h_i(t),\ i=\overline{s+1,n};\quad v_i(H,t)=\frac{d}{dt}h_i(t),\ i=\overline{1,s}.\qquad (9)$$

(7), (8) бошланғич ва чегаравий шартлардан қуйидаги мувофиқлик шартлари келиб чиқади:

$$f_i(0,0)-\lambda_i\frac{d}{dx}\varphi_i(x)|_{x=0}-\sum_{j=1}^{n}b_{ij}\,(0)\varphi_j(0)=\frac{d}{dt}g_i(t)|_{t=0},\qquad i=\overline{1,s},$$

$$f_i(H,0)-\lambda_i\frac{d}{dx}\varphi_i(x)|_{x=H}-$$

$$-\sum_{j=1}^{n}b_{ij}\,(H)\varphi_j(H)=\frac{d}{dt}g_i(t)|_{t=0},\ \ i=\overline{s+1,n}.\qquad (10)$$

$D_T=\{(x,t)\in \mathrm{D}\colon 0\ \le\ x\ \le\ H,\ 0\ \le\ t\ \le\ T\}$ тўртбурчак соҳада (6)-(8) масалани қараймиз, бунда $T\ >\ 0$ –тайинланган бирор сон.

1-теорема. *Фараз қилайлик* $\varphi(x)\in C^1[0,H]$, $g(t)\in C^1[0,+\infty)$, $B(x)\in C^1[0,H]$, $K(t)\in C[0,+\infty)$, $f(x,t)\in C^{0,1}(D)$ *бўлиб,* (5), *(10) шартлар бажарилсин. У ҳолда (6)-(8) масаланинг* D_T *соҳага тегишли ягона узлуксиз ечими мавжуд.*

(6)-(9) тескари масалани тадқиқ этишда қуйидаги шартлар бажарилишини талаб қиламиз:

$$-\frac{1}{\lambda_i}\frac{d^2}{dt^2}g_i(0)+\frac{1}{\lambda_i}K_i(0)\varphi_i(0)+\frac{1}{\lambda_i}\frac{\partial}{\partial t}f_i(0,0)-\frac{1}{\lambda_i}\sum_{j=1}^{n}b_{ij}\,(0)\frac{d}{dt}g_i(0)=$$

$$=\frac{\partial}{\partial x}f_i(0,0)-\lambda_i\frac{d^2}{dx^2}\varphi_i(0)-\sum_{j=1}^{n}\frac{d}{dx}\left[b_{ij}(x)\varphi_i(x)\right]_{x=0},\qquad i=\overline{1,s},$$

$$-\frac{1}{\lambda_i}\frac{d^2}{dt^2}g_i(0)+\frac{1}{\lambda_i}K_i(0)\varphi_i(H)+\frac{1}{\lambda_i}\frac{\partial}{\partial t}f_i(H,0)-\frac{1}{\lambda_i}\sum_{j=1}^{n}b_{ij}\,(H)\frac{d}{dt}g_i(0)=$$

$$=\frac{\partial}{\partial x}f_i(H,0)-\lambda_i\frac{d^2}{dx^2}\varphi_i(H)-\sum_{j=1}^{n}\frac{d}{dx}\left[b_{ij}(x)\varphi_i(x)\right]_{x=H},i=\overline{s+1,n},\qquad (11)$$

ва D соҳанинг бурчак нуқталарида ушбу

$$f_i(0,0)-\lambda_i\frac{d}{dx}\varphi_i(x)|_{x=0}-\sum_{j=1}^{n}b_{ij}\,(0)\varphi_j(0)=\frac{d}{dt}h_i(t)\Big|_{t=0},\quad i=\overline{s+1,n},$$

$$f_i(H,0)-\lambda_i\frac{d}{dx}\varphi_i(x)|_{x=H}-$$

$$-\sum_{j=1}^{n} b_{ij}\,(H)\varphi_j(H) = \frac{d}{dt}h_i(t)\Big|_{t=0}, \qquad i=\overline{1,s} \tag{12}$$

келишувчанлик шартлари ўринли бўлсин.

2-теорема. *Фараз қилайлик* $\varphi(x)\in C^2[0,H]$, $g_i(t)\in C^2[0,+\infty)$, $B(x)\in C^1[0,H]$, □$(t)\in C^2[0,+\infty), f(x,t)\in C^{2,1}(D)$ *ва (5), (10), (11), (12) келишувчанлик шартлари бажарилсин. У ҳолда шундай* $H^*>0$ *сон топиладики, барча* $H\in(0,H^*)$ *учун* $\left[0,\frac{H}{\mu}\right]$ *сегментда (6)-(9) тескари масаланинг ягона ечими мавжуд ва бу ечим* $K(t)\in C[0,H/\mu]$ *синфга тегишли бўлади, бунда* $\mu=\min_{1\le i\le n}\{|\lambda_i\,|\}$.

Диссертациянинг биринчи боб учинчи парагрифида хотирали биринчи тартибли гиперболик системадан ихтиёрий квадратик матрица ядросини аниқлаш тескари масаласини аниқлаш масаласи тадқиқ қилинган.

(1)-(4) кўринишдаги n та масалани қараймиз, бунда ҳар бир масала ўзининг берилган $f=f^l,\ \varphi=\varphi^l,\ g=g^l\quad (l=\overline{1,n})$, функциялар тўпламига эга, $A=diag(\lambda_1,\lambda_2,\dots,\lambda_n)-$ матрица олдинги масаладаги матрица билан бир хил ва $K-n$ тартибли квадрат матрица

$$\left(\frac{\partial}{\partial t}+A\frac{\partial}{\partial x}\right)u^l=\int_0^t K\,(\tau)u^l(x,t-\tau)d\tau+f^l(x,t), \tag{13}$$

$$u^l|_{t=0}=\varphi^l(x),\ 0\le x\le H, \tag{14}$$

$$u_i^l(0,t)=g_i^l(t),\ i=\overline{1,s};\ u_i^l(H,t)=g_i^l(t),\ i=\overline{s+1,n},\ l=\overline{1,n}, \tag{15}$$

бу ерда $u^l=u^l(x,t)=\left(u_1^l(x,t),u_2^l(x,t),\dots,u_n^l(x,t)\right)^*$, $*-$ транспонирлаш белгиси.

Тескари масалада (13)-(15) тўғри масала ечими ҳақида

$$u_i^l(0,t)=h_i^l(t),\ i=\overline{s+1,n},\ \ u_i^l(H,t)=h_i^l(t),\ i=\overline{1,s},\ l=\overline{1,n} \tag{16}$$

қўшимча маълумотлар бўйича $K(t)=\left(k_{ij}\right)_{i,j=1}^{n}(t),\ t>0$ матрица функцияси аниқланади, бу ерда $h_i^l(t)\,,i=\overline{1,n},\ l=\overline{1,n}-$ берилган функциялар.

Тескари масалани ўрганишда қулайлик учун $w^l(x,t)=\frac{\partial^2}{\partial t^2}u^l(x,t)$, $l=\overline{1,n}$ функцияларни киритамиз. У ҳолда қуйидаги масалага эга бўламиз:

$$\left(E\frac{\partial}{\partial t}+A\frac{\partial}{\partial x}\right)w^l=K'(t)\varphi^l(x)+K(t)\left[f^l(x,0)-A\frac{d}{dx}\varphi^l(x)\right]$$

$$+\frac{\partial^2}{\partial t^2}f^l(x,t)+\int_0^t K\,(\tau)w^l(x,t-\tau)d\tau, \tag{17}$$

$$w^l(x,0)=\frac{\partial}{\partial t}f^l(x,0)+K(0)\varphi^l(x)-A\frac{\partial}{\partial x}f^l(x,0)+A^2\frac{d^2}{dx^2}\varphi^l(x), \tag{18}$$

$$w_i^l(0,t)=\frac{d^2}{dt^2}g_i^l(t),\ i=\overline{1,s},\ w_i^l(H,t)=\frac{d^2}{dt^2}g_i^l(t),\ i=\overline{s+1,n}, \tag{19}$$

$$w_i^l(0,t)=\frac{d^2}{dt^2}h_i^l(t),\ i=\overline{1,s},\ w_i^l(H,t)=\frac{d^2}{dt^2}h_i^l(t),\ i=\overline{s+1,n}. \qquad (20)$$

Бу ерда ва кейинги ўринларда «$'$» белги бир аргументли функциянинг ҳосиласини билдиради.

Шу билан бирга қуйидаги келишувчанлик шартларининг бажарилишини талаб қиламиз:

$$\varphi_i^l(0)=g_i^l(0),\ i=\overline{1,s}, \varphi_i^l(H)=g_i^l(0),\ i=\overline{s+1,n},\ l=\overline{1,n}, \qquad (21)$$

$$f_i^l(0,0)-\lambda_i\frac{d\varphi_i^l(x)}{dx}\bigg|_{x=0}=\frac{dg_i^l(t)}{dt}\bigg|_{t=0},\quad i=\overline{1,s}, \qquad (22)$$

$$f_i^l(H,0)-\lambda_i\frac{d\varphi_i^l(x)}{dx}\bigg|_{x=H}=\frac{dg_i^l(t)}{dt}\bigg|_{t=0},\quad i=\overline{s+1,n},\quad l=\overline{1,n}. \qquad (23)$$

Устунлари $\varphi^l(x)$, $l=\overline{1,n}$ функциялардан тузилган матрицани $\Phi(x)=(\varphi^1,\varphi^2,\dots,\varphi^n)(x)$ орқали белгилаймиз. Кейинчалик қуйидаги шартлар бажарилсин деб ҳисоблаймиз

$$det\ \Phi\,(0)\neq 0,\ det\ \Phi\,(H)\neq 0. \qquad (24)$$

(18), (19) бошланғич ва чегаравий шартлардан қуйидаги муносабатларни оламиз:

$$k_{il}(0)=\frac{1}{\det\,\Phi\,(0)}\sum_{j=1}^{n}\left[\frac{d^2}{dt^2}g_i^j(t)\bigg|_{t=0}+\lambda_i f_i^j(0,0)-\lambda_i\frac{d^2}{dx^2}\varphi_i^j(x)\bigg|_{x=0}-\right.$$
$$\left.-\frac{\partial}{\partial t}f_i^j(0,t)\bigg|_{t=0}\right]\Psi_j^l(0),\ i=\overline{1,s},\ l=\overline{1,n}; \qquad (25)$$

$$k_{il}(0)=\frac{1}{\det\,\Phi\,(H)}\sum_{j=1}^{n}\left[\frac{d^2}{dt^2}g_i^j(t)\bigg|_{t=0}+\lambda_i f_i^j(H,0)-\lambda_i\frac{d^2}{dx^2}\varphi_i^j(x)\bigg|_{x=H}-\right.$$
$$\left.-\frac{\partial}{\partial t}f_i^j(H,t)\bigg|_{t=0}\right]\Psi_j^l(H),\ \ i=\overline{s+1,n},\ l=\overline{1,n}, \qquad (26)$$

бу ерда $\Psi_j^l(\cdot)-$ $\Phi(\cdot)$ матрица $\varphi_l^j(\cdot)$ элементининг алгебраик тўлдирувчиси.

1-лемма. *Фараз қилайлик,* $K(t)\in C^1[0,+\infty)$ *матрица ва* $f^l(x,t)\in C^{1,2}(D)$, $\varphi^l(x)\in C^2[0,H]$, $g^l(t)\in C^2[0,+\infty)$ *бўлсин. Бундан ташқари, (21)-(23), (25), (26) келишувчанлик шартлари бажарилсин. У ҳолда ҳар бир фиксирланган* l *лар учун (17)-(19) тўғри масаланинг* D_{t_1} *соҳага тегишли ягона узлуксиз ечими мавжуд, бу ерда* $D_{t_1}(x_1,t_1)=\left\{(x,t):\ (x,t)\in D, t\leq t_1-\frac{|x-x_1|}{\lambda_0}\right\}$, $(x_1,t_1)\in D$ *−соҳасининг ихтиёрий нуқтаси,* $\lambda_0=\max\,\{\,|\lambda_i|:1\leq i\leq n\}$.

Қуйидаги келишувчанлик шартларинг бажарилишини талаб этамиз:

$$\varphi_i^l(0)=h_i^l(0), i=\overline{s+1,n};\ \varphi_i^l(H)=h_i^l(0),\ i=\overline{1,s},\ l=\overline{1,n}, \qquad (27)$$

$$\frac{d}{dt}h_i^l(t)\bigg|_{t=0}=f_i^l(0,0)-\lambda_i\frac{d}{dx}\varphi_i^l(x)\bigg|_{x=0},\ i=\overline{s+1,n}, \qquad (28)$$

$$\frac{d}{dt}h_i^l(t)\bigg|_{t=0}=f_i^l(H,0)-\lambda_i\frac{d}{dx}\varphi_i^l(x)\bigg|_{x=H}, i=\overline{1,s}, l=\overline{1,n}. \qquad (29)$$

Тескари масала ечими ҳақида қуйидаги тасдиқ ўринли:

3-теорема. *Фараз қилайлик 1-лемманинг шартлари ўринли бўлиб,* $h_i^l(t) \in C^2[0,+\infty)$ *бўлсин, бундан ташқари (24) шартлар ва (27)-(29) келишувчанлик шартлари бажарилсин. У ҳолда шундай* $H^* > 0$ *топиладики, барча* $H \in (0, H^*)$ *учун (17)-(20) тескари масаланинг* $\left[0, \frac{H}{\mu}\right]$ *кесмага тегишли ягона ечими мавжуд ва бу ечим берилган* $h_i^l(t)$, $t \in \left[0, \frac{H}{\mu}\right], i, l = \overline{1, n}$ *функциялар билан аниқланади, бу ерда* $\mu = \min_{1 \le i \le n}\{|\lambda_i|\}$.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Икки ўлчовли интегро-дифференциал Максвелл тенгламалар системасидан хотирани аниқлаш масаласи”** деб номланган бўлиб, унда интеграл ҳаднинг бир ўлчовли ядросини аниқлаш масаласи ўрганилган. Биринчи параграфда тўғри ва тескари масалаларнинг қўйилиши келтирилган. Ушбу параграфда икки ўлчовли интегро-дифференциал Максвелл тенгламалар системаси дастлаб каноник кўринишга келтирилган. Каноник кўринишдаги интегро-дифференциал тенгламалар учун бошланғич-чегаравий масала ҳамда диагонал кўринишдаги хотира матрицасини аниқлаш тескари масаласи ўрганилган.

Икки ўлчовли Максвелл тенгламалар системасини қараймиз:

$$\varepsilon\frac{\partial E_2}{\partial t} - \frac{\partial H_1}{\partial x_3} + \frac{\partial H_3}{\partial x_1} + (\varphi_0 + \sigma)E_2 + \int_0^t \varphi'(t-\tau)E_2(x_1, x_3, \tau)d\tau + J_2 = 0,$$

$$\mu\frac{\partial H_1}{\partial t} - \frac{\partial E_2}{\partial x_3} + \psi_0 H_1 + \int_0^t \psi'(t-\tau)H_1(x_1, x_3, \tau)d\tau = 0,$$

$$\mu\frac{\partial H_3}{\partial t} + \frac{\partial E_2}{\partial x_1} + \psi_0 H_3 + \int_0^t \psi'(t-\tau)H_3(x_1, x_3, \tau)d\tau = 0, \qquad (30)$$

бу ерда $E = (0, E_2, 0)$, $H = (H_1, 0, H_3)$ – мос равишда электр ва магнит майдон кучланиши, $\varphi(t) = diag(\varphi_1, \varphi_2, \varphi_3)$, $\psi(t) = diag(\psi_1, \psi_2, \psi_3)$–хотирани ифодаловчи диагонал матрицалар, $J_2(x_1, x_3, t)$ – ташқи электр токининг зичлиги, $\varepsilon = \varepsilon(x_3)$ ва $\mu = \mu(x_3)$ – мусбат аниқланган функциялар бўлиб, мос равишда электр ва магнит майдонларнинг сингдирувчанлигини ифодалайди, $\sigma = \sigma(x_3)$ муҳитнинг ўтказувчанлигини тавсифлайди, $\varphi_0 = \varphi(0)$, $\psi_0 = \psi(0)$.

(30) система учун

$$U_1 = \frac{1}{\sqrt{2}}\left(\sqrt{\varepsilon}E_2 + \sqrt{\mu}H_1\right),\ U_2 = \frac{1}{\sqrt{2}}\left(\sqrt{\varepsilon}E_2 - \sqrt{\mu}H_1\right),\ U_3 = \sqrt{\mu}H_3$$

янги функцияларни киритамиз ва ушбу системани t ҳамда x_3 ўзгарувчиларга нисбатан каноник кўринишда қуйидагича ёзамиз:

$$\left(I_3\frac{\partial}{\partial t} + B_1\frac{\partial}{\partial x_1} + B_2\frac{\partial}{\partial x_3} + B_3\right)U =$$

$$=\bar{J}(x_1,x_3,t)+\int_0^t K\,(x_3,\tau)U(x,t-\tau)d\tau. \qquad (31)$$

(31) системада қуйидаги белгилашлар киритилди:

$$I_3=diag(1,1,1), \qquad B_1=\begin{pmatrix} 0 & 0 & \frac{1}{\sqrt{2\varepsilon\mu}} \\ 0 & 0 & \frac{1}{\sqrt{2\varepsilon\mu}} \\ \frac{1}{\sqrt{2\varepsilon\mu}} & \frac{1}{\sqrt{2\varepsilon\mu}} & 0 \end{pmatrix},$$

$$B_2=\frac{1}{\sqrt{\varepsilon\mu}}\Lambda_0,\ \ \Lambda_0=diag(-1,1,0),$$

$$B_3=\begin{pmatrix} \frac{\varphi_0+\sigma}{2\varepsilon}+\frac{\psi_0}{2\mu}+\frac{\mu'}{4\mu\sqrt{\varepsilon\mu}}+\frac{\varepsilon'}{4\varepsilon\sqrt{\varepsilon\mu}} & \frac{\varphi_0+\sigma}{2\varepsilon}-\frac{\psi_0}{2\mu}-\frac{\mu'}{4\mu\sqrt{\varepsilon\mu}}+\frac{\varepsilon'}{4\varepsilon\sqrt{\varepsilon\mu}} & 0 \\ \frac{\varphi_0+\sigma}{2\varepsilon}-\frac{\psi_0}{2\mu}+\frac{\mu'}{4\mu\sqrt{\varepsilon\mu}}-\frac{\varepsilon'}{4\varepsilon\sqrt{\varepsilon\mu}} & \frac{\varphi_0+\sigma}{2\varepsilon}+\frac{\psi_0}{2\mu}-\frac{\mu'}{4\mu\sqrt{\varepsilon\mu}}-\frac{\varepsilon'}{4\varepsilon\sqrt{\varepsilon\mu}} & 0 \\ 0 & 0 & \frac{\psi_0}{\mu} \end{pmatrix},$$

$$\overline{K}(x_3,t)=-\begin{pmatrix} \frac{\varphi'}{2\varepsilon}+\frac{\psi'}{2\mu} & \frac{\varphi'}{2\varepsilon}-\frac{\psi'}{2\mu} & 0 \\ \frac{\varphi'}{2\varepsilon}-\frac{\psi'}{2\mu} & \frac{\varphi'}{2\varepsilon}+\frac{\psi'}{2\mu} & 0 \\ 0 & 0 & \frac{\psi'}{\mu} \end{pmatrix},\ \ \bar{J}=\sqrt{\frac{\varepsilon\mu}{2}}J_2(-1,1,0).$$

Янги ўзгарувчи z ни қуйидаги формула орқали аниқлаймиз:

$$z=\theta(x_3)=\int_0^{x_3}\sqrt{\varepsilon(\xi)\mu(\xi)}\,d\xi \qquad (32)$$

$\theta(x_3)$ га тескари функцияни $\theta^{-1}(z)$ орқали белгилаб, қуйидагиларни оламиз:

$$V(x_1,z,t):=U(x_1,\theta^{-1}(z),t),\ C_1(z)\coloneqq B_1\big(\theta^{-1}(z)\big),\ C_2(z)\coloneqq B_3\big(\theta^{-1}(z)\big),$$

$$\hat{\varepsilon}(z)=\varepsilon\big(\theta^{-1}(z)\big),\ \hat{\mu}(z)=\mu\big(\theta^{-1}(z)\big),$$

$$K(z,t):=\overline{K}(\theta^{-1}(z),t)=\big(k_{ij}\big)_{i,j=1}^{3},\ J(x_1,z,t):=\bar{J}(x_1,\theta^{-1}(z),t).$$

У ҳолда (31) система қуйидаги кўринишни олади:

$$\left(I_3\frac{\partial}{\partial t}+\Lambda_0\frac{\partial}{\partial z}+C_1\frac{\partial}{\partial x_1}+C_2\right)V=\int_0^t K\,(z,\tau)V(x_1,z,t-\tau)d\tau+J(x_1,z,t). \quad (33)$$

Тўғри масалада $K,\ C_1,\ C_2$ матрицалар ва J вектор функция берилганда $D=\{(x_1,z,t): 0<z<L,\ t>0,\ x_1\in\mathbb{R}\}$ соҳада (33) тенгламалар системасини қаноатлантирувчи $V(x_1,z,t)$ вектор функцияни қуйидаги бошланғич ва чегаравий шартлар асосида аниқлаш талаб қилинади:

$$V_i(x_1,z,t)|_{t=0}=\phi_i(x_1,z),\ i=\overline{1,3}, \qquad (34)$$

$$V_1(x_1,z,t)|_{z=L}=g_1(x_1,t);\ V_2(x_1,z,t)|_{z=0}=g_2(x_1,t), \qquad (35)$$

бунда $\phi(x_1,z)=(\phi_1,\phi_2,\phi_3)(x_1,z)$ ва $g(x_1,t)=(g_1,g_2)(x_1,t)$-берилган функциялар.

Тескари масала тўғри масала (33)-(35) ечими ҳақида

$$V_1(x_1,z,t)|_{z=0}=h_1(x_1,t),\ V_2(x_1,z,t)|_{z=L}=h_2(x_1,t) \tag{36}$$

қўшимча маълумотлар бўйича $K(t)$ матрица элементлари $\varphi(t),\ \psi(t),\ t>0$ функцияларни аниқлашдан иборат, бу ерда $h_1(t)$, $h_2(t)$ берилган функциялар. Ушбу бобда $\varphi_i(0)$ ва $\psi_i(0)$ ларни маълум сонлар деб ҳисоблаймиз.

Фараз қилайлик, (33) тенглама ва (34)-(36) шартларнинг ўнг томонидаги $J(x_1,z,t),\ \phi_i(x_1,z),\ g_i(x_1,t),\ h_i(x_1,t)$ функциялар ҳар бир фиксирланган z ва t ўзгарувчилар учун x_1 ўзгарувчи бўйича финит функциялар бўлсин. У ҳолда (33) тенгламанинг гиперболик тенгламага мансублигидан (33)-(35) масала ечимининг x_1 ўзгарувчи бўйича финитлиги келиб чиқади.

$\tilde{V}(\eta,z,t)$ функция орқали $V(x_1,z,t)$ функциянинг x_1 ўзгарувчи бўйича Фурье алмаштиришини белгилаймиз:

$$\tilde{V}(\eta,z,t)=\int_{\mathbb{R}} V\,(x_1,z,t)e^{i\eta x_1}dx_1,$$

бу ерда $\eta-$ Фурье алмаштиришининг параметри. η ни фиксирлаб, қулайлик учун $\tilde{V}(\eta,z,t):=\tilde{V}(z,t)$ белгилаш киритамиз.

$\tilde{V}$ функцияга нисбатан (33)-(36) масала қуйидаги кўринишни олади

$$\left(I_3\frac{\partial}{\partial t}+\Lambda_0\frac{\partial}{\partial z}+C(z)\right)\tilde{V}=\int_0^t K\,(z,\tau)\tilde{V}(z,t-\tau)d\tau+\tilde{J}(z,t), \tag{37}$$

$$\tilde{V}_i|_{t=0}\equiv\tilde{\phi}_i(z),\ i=1,2,3, \tag{38}$$

$$\tilde{V}_1|_{z=L}=\tilde{g}_1(t),\ \tilde{V}_2|_{z=0}=\tilde{g}_2(t), \tag{39}$$

$$\tilde{V}_1|_{z=0}=\tilde{h}_1(t),\ \tilde{V}_2|_{z=L}=\tilde{h}_2(t), \tag{40}$$

бу ерда $C(z)=C_2-i\eta C_1=\left(c_{ij}\right)_{i,j=1}^3$.

$w(z,t)=\frac{\partial}{\partial t}\tilde{V}(z,t)$ белгилаш киритиб (37)-(40) тенгламалардан $w(z,t)$ функцияларга нисбатан қуйидаги тенгликларга келамиз:

$$\begin{aligned}\left(I_3\frac{\partial}{\partial t}+\Lambda_0\frac{\partial}{\partial z}+C\right)w(z,t)&=K(z,t)\tilde{\phi}(z)+\\&+\int_0^t K\,(z,\tau)w(z,t-\tau)d\tau+\tilde{J}_t(z,t),\end{aligned} \tag{41}$$

$$w_i(z,t)|_{t=0}=\tilde{J}_i(z,0)-\gamma_i\frac{\partial}{\partial z}\tilde{\phi}_i(z)-\sum_{j=1}^3 c_{ij}\,(z)\tilde{\phi}_j(z)=\Phi_i(z),\ i=\overline{1,3}, \tag{42}$$

$$w_1(z,t)|_{z=L}=\frac{d}{dt}\tilde{g}_1(t),\ w_2(z,t)|_{z=0}=\frac{d}{dt}\tilde{g}_2(t), \tag{43}$$

$$w_1(z,t)|_{z=0}=\frac{d}{dt}\tilde{h}_1(t),\quad w_2(z,t)|_{z=L}=\frac{d}{dt}\tilde{h}_2(t). \tag{44}$$

(41)-(43) тўғри масаланинг ечимига нисбатан қуйидаги тасдиқ ўринли:

4-теорема. *Фараз қилайлик,* $J(x_1,z,t)$, $\phi_i(x_1,z)$, $g_i(x_1,t)$ *функциялар ҳар бир фиксирланган* z *ва* t *ўзгарувчилар учун* x_1 *ўзгарувчи бўйича финит функциялар бўлсин. Бундан ташқари* $\hat{\varepsilon}(z) \in C^1[0,H]$, $\hat{\mu}(z) \in C^1[0,H]$, $\tilde{\phi}(z) \in C^1[0,H]$, $\tilde{g}(t) \in C^1[0,T]$, $K(z,t) \in C(\Omega_T)$, $\tilde{J}(z,t) \in C^1(\Omega_T)$ *бўлиб,* $\tilde{\phi}_1(L) = \tilde{g}_1(0)$, $\tilde{\phi}_2(0) = \tilde{g}_2(0)$, $\Phi_1(L) = \frac{d}{dt}\tilde{g}_1(t)|_{t=0}$, $\Phi_2(0) = \frac{d}{dt}\tilde{g}_2(t)|_{t=0}$ *шартлар бажарилсин. У ҳолда (41)-(43) тўғри масаланинг* Ω_T *соҳага тегишли ягона узлуксиз ечими мавжуд, бу ерда* $\Omega_T = \{(z,t): 0 \le z \le L,\ 0 \le t \le T\}$, $T > 0 -$ *бирор тайинланган сон.*

(41)-(44) тескари масала учун қуйидаги теорема ўринли:

5-Теорема. *Фараз қилайлик 4-теорема шартлари бажарилсин, бундан ташқари* $h(x_1,t)$ *вектор функция фиксирланган* t *да* x_1 *ўзгарувчи бўйича финит,* $\tilde{\phi}(z) \in C^2[0,L]$, $\tilde{g}(t) \in C^2[0,L]$, $\tilde{h}(t) \in C^2[0,L]$, $\tilde{J}(z,t) \in C^{1,1}(\Omega_L)$ *бўлсин ҳамда* $\tilde{\phi}_1(0)\tilde{\phi}_1(L) \neq \tilde{\phi}_2(0)\tilde{\phi}_2(L)$ *шарт ва* $\Phi_1(L) = \frac{d}{dt}\tilde{h}_1(t)|_{t=0}$, $\Phi_2(0) = \frac{d}{dt}\tilde{h}_2(t)|_{t=0}$ *келишувчанлик шартлари бажарилсин. У ҳолда ихтиёрий* $L > 0$ *сон учун (41)-(44) масаланинг* $[0,L]$ *кесмада ягона ечими мавжуд ва бу ечим* $\varphi(t)$, $\psi(t) \in C^1\,[0,L]$ *синфга тегишли бўлади, бу ерда* $\Omega_L := \{(z,t): 0 \le z \le L,\ 0 \le t \le L\}$.

Диссертациянинг **“Уч ўлчамли интегро-дифференциал Максвелл тенгламалари системасидан хотира ядроларини аниқлаш масаласи”** деб номланувчи учинчи бобида уч ўлчовли интегро-дифференциал Максвелл тенгламалар системаси учун бошланғич-чегаравий масала ва бир ўлчамли хотира ядросини аниқлаш тескари масалалари қаралган.

Симметрик интегро-дифференциал гиперболик Максвелл тенгламалари системасини қараймиз:

$$A_0\frac{\partial}{\partial t}U + \sum_{j=1}^{3} A_j \frac{\partial}{\partial x_j}U + A_4 U = \int_0^t K\,(t-\tau)U(x,\tau)d\tau + \hat{J}(x,t), \tag{44}$$

бунда $U = (U_1, \dots, U_6)^* -$ вектор – устун, компоненталари $U_k = E_k$, $U_{k+3} = H_k$, $k = \overline{1,3}$; A_j, $j = \overline{0,4}$ $-$олтинчи тартибли симметрик квадрат матрица, $A_0 -$ мусбат аниқланган; $J = (\chi_1, \dots, \chi_6)^* -$ вектор – устун, ташқи электр токининг зичлиги, унинг компоненталари $\chi_k = \chi_k(x,t)$, $\chi_{k+3} = 0$, $k = \overline{1,3}$, $\chi_k -$ берилган етарлича силлиқ функциялар, $K(t) = -diag\left(\frac{d}{dt}\varphi_1, \frac{d}{dt}\varphi_2, \frac{d}{dt}\varphi_3, \frac{d}{dt}\psi_1, \frac{d}{dt}\psi_2, \frac{d}{dt}\psi_3\right)(t)$ хотирани ифодаловчи диагонал матрица. A_j матрицалар қуйидаги структурага эга:

